

Сийрат дарслари (107-дарс). Садақа молни ноқис қилмайди



13:00 / 23.10.2020 4519

423. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни зикр қилдилар ва ундан паноҳ сўрадилар. Сўнг юзларини уч марта орқага бурдилар ва: «**Дўзахдан бир дона хурмонинг ярми билан бўлса ҳам сақланинглар. Уни ҳам топмасангиз, ширин сўз билан**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

424. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қайси садақа афзал?» дедим. «**Моли ознинг кучи етганича бергани ва (садақа беришни) қарамоғингдагилардан бошла**»

, дедилар».

Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

425. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Садақа молни ноқис қилмайди. Аллоҳ афв билан бандага иззатдан бошқани зиёда қилмайди. Ким Аллоҳ учун тавозуъ қилса, албатта, Аллоҳ уни юқорилатмай қўймайди», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан